**Тошкентдан “ЎТЙ” АЖ нр** Н/1730а 30/12 13:04

**Барча МТУ, МТУМ, ТехПД, ДС тариф станциялари**

**Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ, ЖДК**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) “Уй-рўзғор буюмларини ташиш ва юк кузатувчиларини, агар улар билан бирга бўлса, ҳаракатланишида ташиш тўловларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ, ва халқаро ташувларда СМГС ҳужжатини тўлдириш билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо давлатлар, Грузия, Латвия Республикаси, Литва Республикаси ва Эстония Республикаси ўртасида темир йўл орқали вагон ва контейнерларда уй-рўзғор буюмларини Ўзбекистон темир йўллари орқали транзит тарзида ташиш учун ташиш тўлови 90% чегирма билан МТТ ставкаларида ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2023 йили учун МДҲ аъзо давлатлар темир йўлларининг халқаро ташишларида юкларни ташиш учун тариф сиёсатининг 6-бандига мувофиқ уй-рўзғор буюмларини ташиш учун қўшимча йиғимлар олинади:

Уй-рўзғор буюмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташишда қўшимча йиғимларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ҳужжатларида тасдиқланган миқдорида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисобланади.

Ташиш жараёнида, йўлда кўзда тутилмаган бошқа харажатлар учун, ташиш ҳужжатларида белгиланган миқдорларда манзил станциясида юк эгасидан йиғимлар ундирилади.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг “ННтп-23ХХХ” тартиб рақамидаги бешталик – “23ХХХ” рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги тариф станцияларни таништирсин.

ННТП- 23 008

**Н в.б.** **Хасилов**

*Ижро. Шукурова С.С.*
*Тел: 4-99-85*

*Маҳаллий: М, ЖДР, ЖДЭ, ЖДК га етказилди*

**Тошкентдан "ЎТЙ" АЖ № Н/1765-а 30/12 18 40**
**Барча МТУ, МТУМ, ТехПД**
**ДС тариф станцияларига**
**Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ**

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ "УТЙ" АЖнинг 2022 йил 28 декабрдаги Н/1608а-сонли телеграммасига қуйидаги қўшимчалар маълум қилинади:

2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) экспорт қатновида қуйидаги ташувлар учун ташиш тўловлари ТП УТЙ шартлари асосида ҳисоблансин:

1. Контейнер ташувлар;
2. Цистерна-вагонларда, бункерли ярим очиқ вагонларда ва танк-контейнерларда юкларни ташиш (ГНГ кодлари 2711, 27090010, 27090090, 2712, 2713, 27149000, 2715, 2721-2749, 340319, 340399, 3404, 381121, 381129, 38170050, 38241000);
3. ГНГ коди 3901, 3902, 2729 юклар;
4. Почта-багажли вагонларда;
5. Уй жиҳозлари;
6. Ечиладиган ва ечилмайдиган ташиш қурилмалари;
7. Юк кузатувчилари;
8. Теплушка-вагонлар;
9. Термос-вагонда юк ташувлари;
10. Буғдой (ГНГ 1001) ва ун (ГНГ 1101) ташишда.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг "ННтп-23XXX" тартиб рақамидаги бешталик – "23XXX" рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

Ишда қўллаш учун инобатга олинсин.

МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги тариф станцияларини таништирсин.

ННтп – 23004

**Н в.б.** **Хасилов**

*Ижрочи: Ахмедова Д.М.*
*Тел.: 4-93-42*

*Маҳаллий М, ЖДР, ЖДЭга етказилди*

Тошкентдан “ЎТЙ” АЖ № 7/1767-а 30/12 1842

**Барча МТУ, МТУМ, ТехПД**
**ДС тариф станцияларига**
**Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) ТП УТЙнинг 1.8.-бандида кўрсатилган ташувларга вагоннинг тегишлилиги ва тўлов туридан қатъий назар импорт қатновида қуйидаги коэффициентлар қўлланилсин:

1. Гуруч (ГНГ 1006), истеъмол картошкаси (ГНГ 0701), шакар (ГНГ 1701, 1702), ўсимлик ёғи (ГНГ 1507-1510, 1512-1513), парранда гўшти (ГНГ 0207), кунгабоқар уруғи (ГНГ 1206) ва буғдой (ГНГ 1001) – 0,50.

2. Ушбу телеграмманинг 1-бандида кўрсатилмаган барча турдаги юкларидан ташқари – 0,67.

3. Камайтирувчи коэффициентларни қўллаш шартлари мос келадиган ҳолатларда:

чегирма миқдори фарқли ҳолатда – энг юқориси;

чегирма миқдори тенг ҳолатда – бир марта.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг “ННтп-23ХХХ” тартиб рақамидаги бешталик – “23ХХХ” рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги тариф станцияларини таништирсин.

ННтп- 23006

**Н в.б.** **Хасилов**

*Ижро: Шукурова С.С.*
*Тел: 4-99-85*

*Маҳаллий М, ЖДР, ЖДЭга етказилди*

Тошкентдан "УТЙ" АЖ № Т/1770-а 30/12 1844

МТУ, МТУМ Тошкент

ТехПД Тошкент

ДС Сергели, Тошкент, Чуқурсой тариф станцияларига

Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ, ГИТ

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) экспорт ва импорт қатновларида мева-сабзавот ва тез бузилувчан маҳсулотларни (ГНГ коди 0701-0710, 0803-0810, 12129100, 0201-0210, 0302-0304) юкланмаси (нетто) 30 тоннадан юқори бўлмаган 40-футли ва 40-футлидан юқори хусусий рефрижератор контейнерларда хусусий платформада "Агроэкспресс" контейнер поезд (57 дан кам бўлмаган шартли вагонларда) таркибида Ўзбекистондан Россияга ва ортга Келес эксп. чегара станцияси орқали Сергели, Тошкент, Чуқурсой станцияларидан/га Селятино (РЖД) станциясига/дан ташишда битта хусусий рефрижератор контейнер учун 305 АҚШ долл. миқдорида махсус ставка қўлланилсин.

Ушбу махсус ставкага 2023 йилдаги ТП УТЙда кўрсатилган қўшимча тариф шартлари қўлланилмасин.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг "ННтп-23XXX" тартиб рақамидаги бешталик – "23XXX" рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

Ишда қўллаш учун инобатга олинсин.

МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги тариф станцияларини таништирсин.

ННтп – 23011

Н в.б. Хасилов

Ижрочи: Ахмедова Д.М.
Тел: 4-93-42

Маҳаллий: М, ЖДР, ЖДЭ, ГИТга етказилди

**Тошкентдан "ЎТЙ" АЖ №** 7/1772-а 30/12 1846

**Барча МТУ, МТУМ, ТехПД, ДС тариф станцияларига**

**Нусхаси: М, ЖДР, ЖДЭ**

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) импорт қатновида озиқ-овқат компонентлари ва қўшимчаларини (ГНГ коди 10019, 1003, 1005, 1201, 1206, 15071090, 15121191, 2302, 2304, 2306, 2309, 2835, 2922, 2930) республика паррандачилик хўжаликлари номига ташишда ТП УТЙнинг ставкаларига 0,50 коэффициенти қўлланилсин.

Ушбу тариф шарти юк қабул қилувчилар томонидан "Паррандасаноат" уюшмасига аъзоликни тасдиқловчи ҳужжатлар ("Паррандасаноат" уюшмасидан гувоҳнома, сертификат ёки хат) тақдим этилганида қўлланилсин.

Ташиш шартномаси ўзгартирилган станциядан (тўхтатилган станциянинг календар штемпелига асосан) янги манзиллаштирилган станциягача бўлган масофа учун ушбу коэффициент қўлланилмасин.

Камайтирувчи коэффициентларни қўллаш шартлари мос келадиган ҳолатларда:

чегирма миқдори фарқли ҳолатда – энг юқориси;

чегирма миқдори тенг ҳолатда – бир марта.

Ишда қўллаш учун инобатга олинсин.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг "ННтп-23ХХХ" тартиб рақамидаги бешталик – "23ХХХ" рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги тариф станцияларини таништирсин.

ННтп - 23 013

**Н в.б.** **Хасилов**

*Ижро. Асқаров М.*
*Тел: 4-91-37*

*Маҳаллий М, ЖДР, ЖДЭ га етказилди*

**Тошкентдан “ЎТЙ” АЖ № 7/29-а 3/1 1230**
**Барча МТУ, МТУМ, ТехПД, ДС тариф станцияларига**
**Нусҳаси: М, ЖДР, ЖДЭ, ЖДК, ГИТ**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2023 йил 1 январдан 31 декабргача (шу жумладан) бўлган даврда қуйидагиларни маълум қилади:

экспорт юкларини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга тегишли вагонларда Қирғизистон темир йўллари жанубий бўлинмасидаги станцияларга (Савай/Карасу-Узбекский, Султанабад/Карасу-Узбекский, Кувасай/Пост 38 км, Хонобод/Джалалабад, Учқўрғон/Шамалдысай чегара станциялари орқали), Тожикистон темир йўлларининг Соғд участкасига (Бекабад/Спитамен, Сувонобод/Истиқлол чегара станциялари орқали), ташишда вагонларни ювиш ва буғлаш станциялари мавжуд бўлмаган ҳолатда, юкларни туширишдан кейин ювилиши мажбурий бўлган вагонларни Далигузар, Алтиариқ, Қороулбозор дезинфекция ва ювиш станцияларида ювишда, қуйидаги қўшимча йиғимлар ундирилсин:

- тўловлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан тўғридан-тўғри шартнома тузган транспорт-экспедиторлик ташкилотлари орқали амалга оширилганда 1 вагон учун 90 АҚШ долл. (ҚҚСсиз) миқдорида;
- тўловлар ТехПД орқали амалга оширилганда 1 вагон учун ҳар бир ювиш станцияси белгилаган миқдорда.

Ушбу шартлар Далигузар, Алтиариқ, Қороулбозор ювиш ва буғлаш станцияларида ишларни ташкиллаштириш буйича “Ozbektemiryo'lekspeditsia” УК билан тузилган амалдаги шартномаларга нисбатан қўлланилмасин.

Юк ташиш ҳужжатини расмийлаштиришда ушбу телеграмманинг “ННтп-23ХХХ” тартиб рақамидаги бешталик – “23ХХХ” рақамлари қизил ручкада кўрсатилиши шарт.

Ишда қўллаш учун инобатга олинг.
МТУ, МТУМ Тошкент ўз доирасидаги ДС тариф станцияларини таништиринг.

ННтп – 23 030

**Н в.б.** **Хасилов**

*Ижр. Ахмедова Д.М.*
*тел. 4-93-42*

*Маҳаллий: М, ЖДР, ЖДЭ, ЖДК, ГИТга етказилди*